**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**
**DSc.03/30.07.2020.FM.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МУРАНОВ ШАХРИДДИН АБДУЛЛАЕВИЧ**

# СЎНДИРУВЧИ КЎПАЙТУВЧИЛИ ТЕБРАНУВЧАН ИНТЕГРАЛЛАРНИНГ БАҲОЛАРИ

**01.01.01 – Математик анализ**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд - 2020**

**УДК: 517.984**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации**
**доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**
**on physical-mathematical sciences**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**
**DSc.03/30.07.2020.FM.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МУРАНОВ ШАХРИДДИН АБДУЛЛАЕВИЧ**

# СЎНДИРУВЧИ КЎПАЙТУВЧИЛИ ТЕБРАНУВЧАН ИНТЕГРАЛЛАРНИНГ баҳолари

**01.01.01 – Математик анализ**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд - 2020**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/FM455 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|---|---|
| **Илмий раҳбар:** | **Икромов Исроил Акрамович**<br>физика-математика фанлари доктори, профессор |
| **Расмий оппонентлар:** | **Халмухамедов Алимжан Рахимович**<br>физика-математика фанлари доктори, профессор |
| | **Қаршибаев Хайрулло Қиличович**<br>физика-математика фанлари номзоди |
| **Етакчи ташкилот:** | **Урганч давлат университети** |

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.03/30.07.2020.FM.02.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___»_________ соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866)231-06-32, факс: (+99866) 235-19-38, 239-12-47, e-mail: patent@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 231-06-32.

Диссертация автореферати 2020 йил «____» _______________куни тарқатилди.
(2020 йил «____» ___________ даги _______ рақамли реестр баённомаси).

**А.С. Солеев**
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, физика-математика фанлари доктори, профессор

**А.М. Халхўжаев**
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, физика-математика фанлари доктори

**С.Н. Лақаев**
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, физика-математика фанлари доктори, профессор, академик

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати**. Жаҳон миқёсида замонавий математиканинг кўплаб сохаларида олиб борилаётган аксарият илмий ва амалий тадқиқотлар, изланишларда тебранувчан интеграллар, Фурьенинг интеграл операторлари ва тебранувчан интеграл операторлар кенг қўлланилмоқда. Бугунги кунда тебранувчан интегралларнинг муҳим синфларидан бири бўлган силлиқ сиртларда (гиперсирт бўлиши шарт эмас) мужассамлашган ўлчовлар Фурье алмаштиришларини баҳолаш кўплаб соҳалардаги тадқиқотларнинг энг кўп ўрганилаётган асосий масаласи ҳисобланади. Бундан ташқари, гиперсиртларда мужассамлашган ўлчовлар Фурье алмаштиришининг чексиздаги характери бу гиперсиртлар билан аниқланган Стейн максимал операторларининг чегараланганлик кўрсаткичи билан боғлиқлик масаласига доир тадқиқотларни олиб бориш бугунги кунда гармоник анализнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида математик анализнинг энг тез ривожланаётган соҳаларидан бири махсусликлар назарияси ва гармоник анализга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу масалалар замонавий гармоник анализнинг истиқболли йўналишлари билан боғланган бўлиб, математик физика, аналитик сонлар назарияси, гидродинамиканинг математик моделларида кенг татбиқларига эга. Хусусан, Ферма сиртларида мужассамлашган ўлчовлар Фурье алмаштиришининг баҳолари Шрёдингер операторининг дискрет спектри ҳақида маълумот олиш имконини беради. Бундан ташқари, сўндирувчи кўпайтувчига эга тебранувчан интегралларнинг чексизликдаги асимптотикасини тадқиқ қилиш, уч ўлчовли фазонинг ҳеч бўлмаганда битта бош эгрилиги нолдан фарқли бўлган сиртлари учун Согги-Стейн масаласини тадқиқ қилиш назарий, шу билан бирга, амалий жиҳатдан ҳам муҳим илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий тадбиқларга эга бўлган долзарб йўналишларига эътибор янада кучайтирилди, хусусан, мамлакатимиз олимлари томонидан гармоник анализни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кўпгина математик физика масалаларини ечишда максимал операторлар ва сўндирувчи кўпайтувчили ўлчов Фурье алмаштиришлардан фойдаланилади. «Функционал анализ, математик физика ва статистик физика»[1] фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика фанининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди. Бундай тадқиқотларнинг натижасини таъминлашда ихтиёрий аналитик сиртлар учун сўндирувчи кўпайтувчили ўлчовнинг Фурье алмаштириши камайишининг оптималлиги ҳақидаги С.Д. Согги ва И.М. Стейн масалаларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 292-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И. Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4387-сонли Қарори, 2018 йил 20 июлдаги «Фан ва олий таълим соҳаси ходимларининг меҳнат ҳақи миқдорини янада ошириш, илмий ва илмий-техник фаолият натижалари жорий этилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3876-сонли Қарори, 2018 йил 29 майдаги «Ижтимоий-иқтисодий соҳада илмий-тадқиқот институтлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3752-сонли Қарори, 2020 йил 2 мартдаги «2017—2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5953-сонли Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бизга маълумки, номанфий силлиқ финит функция орқали киритилган ўртачалаш $A_t g(x)$ оператори $t$ мусбат параметрга боғлиқ бўлиб, $t$ параметр нолга интилганда берилган функция узлуксиз функцияга интилади. Аммо интегралланувчи функциялар учун $\lim_{t\to+0} A_t g(x)$ лимитнинг мавжудлиги мурракаб муаммо ҳисобланади. Фазонинг деярли барча $x \in \mathbb{R}^{n+1}$ нуқталарида лимитнинг мавжудлигини исботлаш учун максимал оператордан фойдаланиш жудда қулайдир. Маркази нол нуқтада бўлган бирлик сфера орқали аниқланган максимал операторга Стейннинг сферик максимал оператори дейилади. Бу каби операторлар 1976 йилда И.М. Стейн ва 1986 йилда Дж. Бурген каби олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Бундай ўртачалаш ва максимал операторлар тўлқин тарқалиш тенгламаси учун Коши масаласини йиғилувчи функциялар синфида ечишда қўлланилади. Аниқроғи $\mathbb{R}^3$ фазода, Коши масаласининг умумлашган ечими қуйидагича ўртачалаш оператори $u(x,t) := tA_t g(x)$ орқали ифодаланади, бунда $A_t g$ - $g$ функциянинг сферадаги "ўрта қиймати", аниқроғи ўрта қиймат операторининг $g$ даги қиймати.

Табиий савол туғилади: Коши масаласининг ечими учун бошланғич шартга боғлиқ априор баҳо олиш мумкинми?

Бу баҳо уч ўлчовли Евклид фазосида Стейннинг сферик максимал операторининг чегараланганлиги муаммоси билан узвий боғлиқ.

Максимал операторларнинг баҳоси гиперсиртда аниқланган ўлчовнинг Фурье алмаштириши билан боғлиқ. 1982 йилда А. Гринлиф томонидан ўлчов

Фурье алмаштиришининг камайиш тартиби билан максимал функциянинг $L^p$ фазодаги йиғилувчанлик кўрсаткичи $p$ (буни биз максимал операторнинг чегараланган кўрсаткичи деб атаймиз) орасидаги боғланиш топилган. Ўлчов Фурье алмаштиришининг камайиш тартиби ва максимал операторнинг чегараланганлик кўрсаткичи ўртасидаги боғланиш ҳақида И.М. Стейннинг гипотезаси мавжуд. Соболевнинг жойлашиш ҳақидаги теоремасига асосланган усулни қўллаш зарурияти туфайли С.Д.Согги ва И.М.Стейн сўндирувчи кўпайтувчили тебранувчан интегрални киритган. Бунда Гаусс эгрилигининг даражаси сўндирувчи кўпайтувчи сифатида иштирок этади. И.М. Стейн ва С.Д. Согги Гаусс эгрилигининг даражаси етарлича катта бўлганда мос тебранувчан интегралнинг камайиши оптимал бўлишини исботлаган. Гаусс эгрилигининг даражаси қанчалик кичик бўлганда, тебранувчан интеграл камайиш тартиби оптимал бўлишлиги тўғрисида табиий савол пайдо бўлади. Бу масала С.Д.Согги ва И.М Стейнлар томонидан қўйилган. Шунга ўхшаш масала чекли чизиқли типдаги қавариқ гиперсиртлар учун М. Ковлинг, С. Дисне, Г. Маучери, Д. Мюллерларнинг 1990 йилдаги тадқиқотларида ечилган, бир ўлчовли ҳолда, яъни эгри чизиқлар кўпҳад функциянинг графиги бўлганда Д. Оберлин бу масаланинг тўлиқ ечимини берган. 1985 йилда С.Д.Согги ва И.М.Стейнлар томонидан Гаусс эгрилиги чексиз тартибли нолга эга бўлмаганда $p$ нинг бирор чекли қийматларида максимал оператор $L^p$ да чегараланганганлиги исботланган. Бу тадқиқотларда максимал операторнинг чегараланганлигини исботлашнинг асосий воситаларидан бири сўндирувчи кўпайтувчили тебранувчан интеграллар бўлиб, бунда сўндирувчи кўпайтувчи сифатида Гаусс эгрилиги қаралади. Шунингдек 2005 йилда И.А.Икромовнинг тадқиқотларида сўндирувчи кўпайтувчи гиперсиртнинг бош эгриликлари орқали киритилган ҳамда гиперсиртларнинг кенгроқ синфлари билан боғлиқ максимал операторнинг чегараланганлик шартлари олинган.

$S \subset \mathbb{R}^{n+1}$ гиперсирт билан боғлиқ бўлган максимал операторнинг $L^p$ даги баҳоси мос равишда $\hat{\mu}(\xi)$ – ўлчов Фурье алмаштиришининг характери билан боғлиқ. А. Гринлиф томонидан $|\xi| \longrightarrow +\infty$ да $\hat{\mu}(\xi) = O(|\xi|^{-\gamma})$ ва $\gamma > \frac{1}{2}$ бўлган ҳолда $p$ нинг $p > 1 + \frac{1}{2\gamma}$ шартни қаноатлантирувчи қийматларида $Mg(x) = \sup_{t>0}|A_t g(x)|$ - максимал операторнинг $L^p(\mathbb{R}^{n+1})$ фазода чегараланганлиги исботланган. Шундай булсада, $\hat{\mu}(\xi)$ интегралнинг чексизликдаги камайиш тартиби $\gamma \leq \frac{1}{2}$ шартни қаноатлантирганда максимал операторнинг $L^p$ да чегараланганлиги масаласи хануз очиқ қолмоқда. Шу сабабли 1985 йилда С.Д.Согги ва И.М.Стейн сўндирувчи кўпайтувчили тебранувчан интегрални киритган С.Д. Согги ва И.М. Стейн томонидан, агар Гаусс эгрилигининг даражаси $q$ бўлганда ҳамда $q \geq 2n$ бўлса ва $|\xi| \rightarrow +\infty$ да сўндирувчи кўпайтувчили тебранувчан интеграл $O(|\xi|^{-\frac{n}{2}})$ тартибда камайиши исботланган. Бундан ташқари $|K(x)|^{-\varepsilon} \in L^1(S)$ ( бунда $\varepsilon > 0$) шарт бажарилса, у ҳолда $p > p(q, \varepsilon)$ бўлганда максимал операторнинг $L^p$ да чегараланганлиги кўрсатилади. Шунингдек, $q$ қанча кичик ва $\varepsilon$ қанча катта сон бўлса $p(q, \varepsilon)$ шунча кичик сон бўлиши кузатилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг ОТ-Ф4-69 рақамли «Гармоник анализ, даражали геометрия ва уларнинг математик физика масалаларига тадбиқлари» (Самарқанд, 2017-2020 йиллар) мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** уч ўлчовли Евклид фазосида аналитик сиртлар оиласининг маълум бир синфлари ва ихтиёрий аналитик сиртлар учун сўндирувчи кўпайтувчили ўлчовнинг Фурье алмаштириши камайиш тартибининг оптималлиги ҳақидаги С.Д. Согги ва И.М. Стейн масаласини ечишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

уч ўлчовли фазода ҳар бир нуқтасида камида битта бош эгрилиги нолдан фарқли бўлган аналитик сиртлар устидаги сўндирувчи кўпайтувчили ўлчовнинг Фурье алмаштириши учун баҳо олиш;

аналитик гиперсиртлар оиласи оиласи ҳамда тайинланган аналитик гиперсиртлар учун сўндирувчи кўпайтувчили ўлчовнинг Фурье алмаштириши учун баҳо олиш;

уч ўлчовли фазода ихтиёрий аналитик сиртлар учун сўндирувчи кўпайтувчили ўлчовнинг Фурье алмаштириши учун баҳо олиш;

уч ўлчовли фазодаги ихтиёрий аналитик сиртлар учун сирт ўлчови Фурье алмаштириши камайишининг оптималлигини кафолатловчи кўрсаткични топиш.

**Тадқиқотнинг объекти** аналитик гиперсиртлар оиласида мужассамлашган сўндирувчи кўпайтувчили силлиқ сирт ўлчови, ўлчовнинг Фурье алмаштириши, тебранувчан интеграллар, гиперсиртлар орқали аниқланган максимал операторлардан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети** аналитик сиртлар оиласининг маълум бир синфлари ва ҳар бир нуқтасида камида битта бош эгрилиги нолдан фарқли бўлган тайинланган аналитик гиперсиртлар ҳамда уч ўлчовли фазода ихтиёрий аналитик сиртлар учун сўндирувчи кўпайтувчили ўлчовнинг Фурье алмаштиришининг баҳоларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишида дифференциалланувчи акслантиришлар назарияси, аналитик функциялар назарияси, дифференциал геометрия ва анализнинг асимптотик усуллари, шунингдек гармоник анализ усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

уч ўлчовли фазода аналитик сиртнинг хар бир нуқтасида камида битта бош эгрилиги нолдан фарқли бўлганда Согги – Стейн масаласи ечилган;

Гаусс эгрилигининг даражаси учун олинган баҳонинг аниқлиги кўрсатилган;

уч ўлчовли фазода камида битта бош эгрилиги нолдан фарқли бўлган аналитик сиртлар оиласи учун Согги – Стейн масаласи ечилган;

уч ўлчовли фазодаги ихтиёрий аналитик сиртлар учун сирт ўлчови Фурье алмаштириши камайишининг оптималлигини кафолатловчи кўрсаткич $q \geq 3/2$ топилган;

максимал операторнинг чегараланганлик кўрсаткичи ва сўндирувчи кўпайтувчили сирт ўлчови Фурье алмаштириши камайишининг оптималлиги ўртасидаги боғланишни кўрсатувчи мисол келтирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** уч ўлчовли фазода ихтиёрий аналитик сиртлар учун сўндирувчи кўпайтувчили ўлчовнинг Фурье алмаштириши камайишнинг оптималлигини кафолатловчи Гаусс эгрилигининг аниқ кўрсаткичи топилган ва бу натижа Стейннинг гиперсирт билан боғланган максимал операторининг чегараланганлик кўрсаткичини аниқлашда қўлланилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** математик мулоҳазаларнинг қатъий исботланганлиги ҳамда дифференциалланувчи акслантиришлар, аналитик функциялар назарияси, дифференциал геометрия, гармоник анализ ва математик анализнинг усулларидан фойдаланилганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўлчовнинг Фурье алмаштириши камайиш тартибининг оптималлигини кафолатловчи Гаусс эгрилигининг даражасини аниқ қиймати билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти математик физика тенгламалари ечимларининг характерини тадқиқ қилиш учун хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сўндирувчи кўпайтувчили тебранувчан интегралларнинг баҳосига оид илмий натижалар асосида:

сўндирувчи кўпайтувчили тебранувчан интегралларнинг баҳосига оид илмий натижалардан етакчи хорижий “Journal of Mathematecal Analysis and Applications”, Volume 473, Issue 2, 2019, p.1215-1233( IF=1.22) журналида чоп қилинган “On archimedean zeta functions and newton polyhedra” номли мақолада кўп комплекс ўзгарувчили кўпҳад функция билан аниқланган арифметик дзета функцияни тадқиқ қилишда фойдаланилган. Илмий натижанинг қўлланилиши голоморф функция билан аниқланган дзета функция мероморф давомининг координаталар бошига энг яқин қутбини аниқлаш имконини берган;

уч ўлчовли Евклид фазосидаги аналитик сиртлар оиласидаги сиртлар устидаги сўндирувчи кўпайтувчили ўлчов Фурье алмаштириши баҳосидан етакчи хорижий (“Современная математика. Фундаментальные направления”. Россия 2018. Том 64, выпуск 4. Стр.650-681. № 3 (IF=0.25), “Annales Polonici Mathematici” 123 (2019), p. 473-479 (IF=0.9)) журналларда чоп қилинган мос равишда “Об ограниченности максимальных операторов, связанных с гиперповерхностями” ва “On the Weierstrass Preparation Theorem” номли мақолаларда максимал операторларнинг чегараланганлик кўрсаткичини топишда ва ўлчов Фурье алмаштиришининг чексиздаги характерини текширишда фойдаланилган. Илмий натижаларнинг қўлланилиши максимал операторни даражаси билан интегралланувчи функциялар фазосида баҳолаш ва Вейерштрасс кўпҳадлари усули орқали ўлчов Фурье алмаштиришининг характерини аниқлаш имконини берган;

бирор даража билан интегралланувчи функциялар синфида максимал оператор учун олинган баҳодан ва жамланувчи функциялар фазосида максимал операторларнинг чегараланганлик хоссаларидан № AP051131268 рақамли хорижий илмий лойиҳада гиперболик тенгламалар учун Коши масаласи ечимини текширишда фойдаланилган (Хўжа Аҳмад Яссавий номидаги халқаро қозоқ – турк университетининг 2020 йил 11 – сентябдаги маълумотномаси.). Илмий натижанинг қўлланиши гиперболик тенгламалар учун Коши масаласининг ечими учун априор баҳо олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг асосий натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий–амалий анжуманларида, жами 7 та илмий–амалий анжуманларда муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг фалсафа доктори диссертацияларини ҳимоя қилишда тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий ва 2 таси республика журналларида нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 97 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ёрдамчи маълумотлар ва натижалар муҳокамаси»** деб номланувчи биринчи бобида ишнинг асосий натижаларини баён қилиш учун зарур бўладиган асосий таърифлар ва тушунчалар, ёрдамчи маълумотлар келтирилган. Бу боб учта параграфдан ташкил топган.

I бобнинг биринчи параграфида $\mathbb{R}^3$ фазодаги силлиқ (аналитик) гиперсиртлар ва тебранувчан интеграллар назарияси учун зарур бўлган баъзи бир тасдиқ ва теоремалар келтирилган.

Энди кейинчалик керак бўладиган таърифларни келтирамиз.

$\Omega \subset \mathbb{R}^n$ соҳада аниқланган $f \in C^{(m)}(\Omega), m \geq 2$ хақиқий қийматли функция берилган бўлсин.

**1-таъриф.** *Силлиқ* $f$ *функциянинг иккинчи тартибли хусусий ҳосилаларидан ташкил топган матрицага,* $f$ *функциянинг берилган нуқтадаги гессиан матрицаси дейилади ва қуйидагича* $D^2 f(x)$, *яъни:* $D^2 f(x) = \{\frac{\partial^2 f(x)}{\partial x_i \partial x_j}\}_{i,j=1}^n$, $Hessf(x) = detD^2 f(x)$ *каби белгиланади.*

**2-таъриф.** *Агарда* $\nabla f(x^0) = 0$ *бўлса, у ҳолда* $x^0$ *нуқтага* $f(x)$ *функциянинг критик нуқтаси дейилади. Шунингдек, агарда* $detD^2 f(x) \neq 0$ *бўлса, у ҳолда* $x^0$ *айнимаган (невырожденной) критик нуқта дейилади.*

**3-таъриф.** $S \subset \mathbb{R}^{n+1}$ *гиперсиртнинг* $x$ *нуқтасидаги бош эгриликларининг кўпайтмасига сиртнинг шу нуқтадаги Гаусс эгрилиги дейилади ва* $K(x)$ *каби белгиланади. Агарда* $G$ *ва* $Q$ *матрицалар гиперсиртнинг бирор бир базисдаги* $x$ *нуқтадаги мос равишда биринчи ва иккинчи фундаментал формалари бўлса, у ҳолда Гаусс эгрилиги қуйидаги кўринишда ҳисобланади:*

$$K(x) = \frac{detQ}{detG}.$$

$S \subset \mathbb{R}^3$ сирт силлиқ $x_3 = f(x_1, x_2)$ функциянинг графиги сифатида берилган бўлсин. У ҳолда унинг Гаусс эгрилиги қуйидаги кўринишда бўлади:

$$K(x_1, x_2, f(x_1, x_2)) = \frac{\frac{\partial^2 f}{\partial x_1^2}\frac{\partial^2 f}{\partial x_2^2} - \left(\frac{\partial^2 f}{\partial x_1 \partial x_2}\right)^2}{\left(1 + \left(\frac{\partial f}{\partial x_1}\right)^2 + \left(\frac{\partial f}{\partial x_2}\right)^2\right)^2}.$$

Иккинчи параграфда сиртнинг ёйилмаси ва тебранувчан интеграллар ҳақидаги баъзи бир теоремалар ўрганилган.

**4- таъриф.** *Фазо функцияси* $f(x)$ *ва амплитудаси* $\psi$ *бўлган тебранувчан интеграл деб*

$$J(\lambda, f, \psi) = \int_{\mathbb{R}^n} e^{i\lambda f(x)} \psi(x) dx,$$

*кўринишдаги интегралга айтилади. Бунда* $f: \mathbb{R}^n \mapsto \mathbb{R}$, *силлиқ,* $\psi: \mathbb{R}^n \mapsto \mathbb{C}$ *силлиқ ва компакт ташувчили функциялар,* $\lambda$ *–ҳақиқий параметр.*

Бу параграфда тебранувчан интеграллар хусусиятлари ҳақидаги Эрдейи ва Ван дер Корпут леммалари келтирилган.

I бобнинг учинчи параграфида эса масалани қўйилиши ва асосий натижалар муҳокамаси келтирилган.

Асосий масаланинг баёни: $q$ нинг шундай минимал қийматини топиш кераки

$$\left|\int_S e^{ix\cdot\xi}\,|K(x)|^q\psi(x)d\sigma(x)\right|\leq A|\xi|^{-\frac{n}{2}}$$

баҳо ўринли бўлсин, бунда $A$ – мусбат ўзгармас сон. Бу масала Согги – Стейн томонидан қўйилган бўлиб. хусусий ҳолда, шунга ўхшаш масала чекли чизиқли типга эга бўлган қаварик гипер-сиртлар учун М. Ковлинг, С. Дисне, Г. Маучери, Д. Мюллерлар томонидан ечилган. Бу масаланинг ечими бир ўлчовли ҳолда, ва $S$ – эгри чизиқ бўлиб кўпҳад графиги сифатида берилганда Д.М.Оберлин натижасидан келиб чиқади.

Диссертациянинг "**Сўндирувчи кўпайтувчили ўлчов Фурье алматиришининг баҳолари**" деб номланувчи иккинчи бобида уч ўлчовли фазода аналитик сиртнинг хар бир нуқтасида камида битта бош эгрилиги нолдан фарқли бўлган аналитик сиртлар учун С.Д. Согги ва И.М.Стейн масаласининг ечими келтирилган.

II бобнинг биринчи параграфида мазкур бобнинг асосий натижаси бўлган теоремани исботлаш учун зарур бўладиган ёрдамчи тасдиқларнинг исботлари келтирилган.

$S\subset\mathbb{R}^{n+1}$ сиртда максимал операторнинг чегараланганлик масаласи билан боғлиқ сўндирувчи кўпайтувчили тебранувчан интеграл С.Д. Согги ва И.М.Стейнлар томонидан киритилган, яъни:

$$\hat{\mu}_q(\xi):=\int_S e^{i(\xi,x)}|K(x)|^q\psi(x)d\sigma(x), \qquad (1)$$

бу ерда $K(x)$ - $S$ сиртнинг $x$ нуқтасидаги Гаусс эгрилиги, $\psi\in C_0^\infty(S)$ компакт ташувчили силлиқ номанфий функция, $(x,\xi)$ – $x$ ва $\xi$ векторларнинг скаляр кўпайтмаси, $d\sigma(x)$ – сирт ўлчови. Иккинчи бобнинг асосий натижаси қуйидаги теоремадан иборат:

**1-теорема.** *Фараз қилайлик $q\geq 1$ тайинланган ҳақиқий сон ва $S\subset\mathbb{R}^3$ аналитик сиртнинг хар бир нуқтасида камида битта бош эгрилиги нолдан фарқли бўлсин. У ҳолда ихтиёрий $\psi\in C_0^\infty(S)$, $|\xi|\neq 0$ ларда $\hat{\mu}_q(\xi)$ интеграл учун*

$$\left|\hat{\mu}_q(\xi)\right|\leq\frac{C||\psi||_{C^2}}{|\xi|}, \qquad (2)$$

*баҳо ўринли бўлади, бу ерда $C$ – тайинланган мусбат сон.*

**1-эслатма.** $q\geq 4$ *бўлганда С.Д. Согги ва И.М.Стейнлар ихтиёрий силлиқ сиртлар учун (2) га ўхшаш тенгсизликнинг ўринли бўлиши исботлаган.*

Шундай қилиб, 1- теорема аналитик сиртларнинг маълум бир синфлари учун Согги – Стейн баҳосини аниқлаштиради. Бошқа томондан, $q=1$ қиймат оптималдир.

Аникроғи, 1- теорема шартларини қаноатлантирувчи сирт мавжуд бўлиб, ихтиёрий мусбат $q<1$ сонлар учун қуйидаги асимптотик муносабат ўринли:

$$\hat{\mu}_q(\lambda\boldsymbol{n})=\frac{C(\psi)}{\lambda^{\frac{q+1}{2}}}+O\left(\lambda^{-\frac{q+2}{2}}\right),\ \ (\lambda\to+\infty),$$

бу ерда $\boldsymbol{n}$ – сиртнинг $(0,0,0)$ нуқтасидаги бирлик нормал вектори. Хақиқатдан ҳам, $S\subset\mathbb{R}^3$ сирт $\Phi(x_1,x_2)=(x_2-x_1^2)^2$ функцияни графиги сифатида берилган бўлсин. У ҳолда $K(x_1,x_2,\Phi(x_1,x_2))=\frac{-8(x_2-x_1^2)}{(1+|\nabla\Phi(x_1,x_2)|^2)^2}$ бўлади. Шунингдек, осонгина $\hat{\mu}_q(\lambda\boldsymbol{n})$ интеграл

$$\int_U e^{i\lambda(x_2-x_1^2)^2}|x_2-x_1^2|^q a(x_1,x_2)dx_1dx_2$$

кўринишга эга бўлишини кўриш мумкин, бу ерда $a(x_1,x_2)=\frac{8^q\psi(x_1,x_2,(x_2-x_1^2)^2)}{\sqrt{(1+|\nabla\Phi(x_1,x_2)|^2)^{4q-1}}}$. Охирги интегралда $x_2-x_1^2=y_2$ алмаштиришдан фойдаланиб ва Эрдейи леммасига кўра, $\lambda$ нинг етарлича катта қийматларида қуйидаги интегралга эга бўламиз:

$$\int_{U'} e^{i\lambda y_2^2}|y_2|^q a(y)dy =$$

$$=8^q\Gamma\left(\frac{q+1}{2}\right)e^{\frac{i\pi(q+1)}{4}}\lambda^{-\frac{q+1}{2}}\int_R a(x_1,x_1^2)dx_1+O(\lambda^{-\frac{q+2}{2}}),$$

бу ерда $\Gamma(\cdot)$ – Эйлернинг гамма функцияси. Равшанки, $a(0,0)=\psi(0,0,0)>0$, у ҳолда берилган сирт учун $\psi(x_1,x_2,x_3)\geq 0$ бўлганда тебранувчан интеграл асимптотикасининг бош ҳади нолдан фарқли бўлади. Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки, берилган сирт учун $q<1$ бўлганда (2) баҳо ўринли эмас .

II бобнинг иккинчи параграфида нормалга яқин $\xi$ лар учун $\hat{\mu}_q(\xi)$ интеграл асимптотикасининг бош ҳади бир каррали сўндирувчи кўпайтувчили тебранувчан интеграл орқали ифодаланишини кўрсатамиз.

$\hat{\mu}_q(\xi)$ интегралнинг асимптотик характери ҳақидаги тасдиқ бу параграфнинг асосий натижасидир. $\hat{\mu}_q(\xi)$ интегрални икки каррали интеграл кўринишида ифодалаб оламиз:

$$\hat{\mu}_q(\xi)=\int_{\mathbb{R}^2} e^{i\xi_3F(x_1,x_2,s_1,s_2)}a(x_1,x_2)|Hessf(x_1,x_2)|^q dx_1dx_2, \qquad (3)$$

бу ерда

$$a(x_1,x_2)=\frac{\psi(x_1,x_2,f(x_1,x_2))}{\sqrt{(1+|\nabla f(x_1,x_2)|^2)^{4q-1}}},$$

$$F(x_1,x_2,s_1,s_2)=f(x_1,x_2)+s_1x_1+s_2x_2, s_1=\frac{\xi_1}{\xi_3}, s_2=\frac{\xi_2}{\xi_3},$$

$$Hessf(x_1,x_2)=detD^2f(x_1,x_2).$$

$Hessf(0,0)=0$ деб фараз қиламиз, агар $Hessf(0,0)\neq 0$ бўлса, у ҳолда 1-теореманинг тасдиқлари Герцнинг классик натижаларидан келиб чиқади. Шунингдек $\psi$ - функция етарлича кичик ташувчига эга бўлсин деб фараз қиламиз. Маълумки, агар $rank(D^2f(0,0))=1$ бўлса, у ҳолда $\frac{\partial^2 f(0,0)}{\partial x_1^2}\neq 0$, ёинки $\frac{\partial^2 f(0,0)}{\partial x_2^2}\neq 0$ бўлади. Умумийликка зиён етказмасдан $\frac{\partial^2 f(0,0)}{\partial x_1^2}\neq 0$ деб фараз қиламиз. У ҳолда ошкормас функция ҳақидаги теоремага кўра

$$F_{x_1}(x_1,x_2,s_1,s_2)=f_{x_1}(x_1,x_2)+s_1=0$$

тенглама $\mathbb{R}_{x_1}\times\mathbb{R}_{s_1}$ да координаталар бошининг етарлича кичик атрофида ягона $x_1=x_1(x_2,s_1)$ аналитик ечимга эга бўлади.

(3) интегралнинг ички интегралини қараймиз:

$$\widehat{\mu_q}^1 := \int e^{i\xi_3 F_1(x_1,x_2,s_1)} a(x_1,x_2)|Hessf(x_1,x_2)|^q dx_1, \qquad (4)$$

бу ерда

$$F_1(x_1,x_2,s_1) = f(x_1,x_2) + s_1 x_1.$$

**1-тасдиқ.** *Агарда* $f(x_1,x_2)$ *аналитик функция* $\nabla f(0,0) = 0, \frac{\partial^2 f(0,0)}{\partial x_1^2} \neq 0$ *шартларни қаноатлантирса, у ҳолда нолнинг шундай атрофи мавжудки* $\hat{\mu}_q(\xi)$ *интеграл учун* $q \geq 1$ *бўлганда қуйидаги*

$$\hat{\mu}_q(\xi) = \sqrt{\frac{2\pi}{|\xi_3|}} e^{isign\left(\frac{\partial^2 f(0,0)}{\partial x_1^2}\xi_3\right)\frac{\pi}{4}} \times$$

$$\times \int e^{i\xi_3(F_1(x_1(x_2,s_1),x_2,s_1)+s_2x_2)} |Hessf(x_1(x_2,s_1),x_2)|^q a(x_2,s_1) dx_2 +$$

$$+O\left(\frac{1}{|\xi|}\right) (\text{бунда} \quad |\xi| \to +\infty),$$

*асимптотик муносабат ўринли бўлади, бу ерда* $a(x_2,s_1) := a(x_1(x_2,s_1),x_2)\varphi(x_2,s_1)$, $\varphi$- *қандайдир силлиқ функция.*

Иккинчи бобнинг учинчи параграфида $s_1$ – параметрга боғлиқ аналитик сиртлар учун Д.М.Оберлиннинг теоремасига ўхшаш теорема исботланади.

Биз қуйидаги бир каррали сўндирувчи кўпайтувчили тебранувчан интегрални қараймиз:

$$I_q(\xi_3) = \int e^{i\xi_3(F_1(x_2,s_1)+x_2s_2)} \tilde{a}(x_2,s_1)|F''_1(x_2,s_1)|^q dx_2, \qquad (5)$$

бу ерда $\tilde{a}(x_2,s_1) = a(x_2,s_1)|\frac{\partial^2}{\partial x_1^2} f(x_1(x_2,s_1),x_2)|^q$ ва $F_1(x_2,s_1)$ – аналитик функция. Бу параграфда қуйидаги лемма исботланган.

**1-лемма.** *Фараз қилайлик* $q \geq \frac{1}{2}$ *тайинланган ҳақиқий сон бўлсин. У ҳолда координаталар бошининг шундай* $W \subset \mathbb{R}_{x_2}$ *атрофи мавжудки, ихтиёрий* $a \in C_0^\infty(W)$ *лар учун*

$$|I_q(\xi_3)| \leq \frac{C \parallel a \parallel_V}{|\xi_3|^{\frac{1}{2}}}$$

*баҳо ўринли бўлади.* 1 – теореманинг исботи 1 – тасдиқ ва 1 – леммага асосланади.

**“Фаза функцияси параметрга боғлиқ бўлган тебранувчи интеграл-ларнинг баҳолари”** деб номланучи учинчи бобда уч ўлчовли Евклид фазосида аналитик сиртлар оиласининг маълум қисм синфлари учун сўндирувчи кўпайтувчили ўлчовнинг Фурье алмаштириши камайиш тартибининг оптималлиги ҳақидаги С.Д. Согги ва И.М.Стейнларнинг масаласининг ечими келтирилган. Шуни таъкидлаймизки, бу бобда нафақат аналитик сиртлар оиласи учун, балки тайинланган аналитик сиртлар учун ҳам даража аниқ кўрсатилган.

Шунингдек бу бобда, уч ўлчовли Евклид фазосидаги ихтиёрий аналитик сиртлар учун сўндирувчи кўпайтувчили ўлчов Фурье алмаштиришининг камайиш тартибининг оптималлиги ҳақидаги С.Д. Согги ва И.М.Стейнларнинг масаласи қаралган.

Фараз қилайлик $S(\eta) \subset \mathbb{R}^3$ , $\eta \in \mathbb{R}^m$ параметрга боғлиқ аналитик сиртлар оиласи бўлсин, табиий равишда қуйидаги $d\mu(\eta) := \psi(x,\eta)d\sigma(x,\eta)$ сирт ўлчови ва унга мос сўндирувчи кўпайтувчили тебранувчан интеграл аниқланади:

$$\hat{\mu}_q(\xi) = \int_{S(\eta)} e^{i(x,\xi)} |K(x,\eta)|^q \psi(x,\eta) d\sigma(x,\eta), \qquad (6)$$

бу ерда $d\sigma(x,\eta)$ - ҳар бир тайинланган $\eta$ лар учун $S(\eta)$ даги сирт ўлчови.

Учинчи бобнинг биринчи параграфида баъзи бир тасдиқ ва теоремалар келтирилган, шунингдек қуйидаги лемма исботланган.

**2-лемма.** *Фараз қилайлик $f(x,\eta)$ координаталар бошида ҳақиқий аналитик функция ва $q \geq 1$ тайинланган сон бўлсин. У ҳолда нол нуқтанинг шундай $W \times U \subset \mathbb{R} \times \mathbb{R}^m$ атрофи мавжудки, қуйидаги тенглик ўринли бўлади*

$$|x| g(x,\eta) = |f(x,\eta)|^q - |f(0,\eta)|^q,$$

*бунда $g(x,\eta)$ функциянинг $W$ да ўзгариши чегараланган ва унинг тўла ўзгариши $U$ да текис чегараланган.*

Учинчи бобнинг иккинчи параграфида $\xi \in \mathbb{R}^3 \backslash \Gamma_\varepsilon$ бўлганда $\hat{\mu}_q(\xi)$ икки каррали тебранувчан интегрални қараймиз:

$$\hat{\mu}_q(\xi) = \int_{\mathbb{R}^2} e^{i\xi_3 F(x_1,x_2,s_1,s_2,\eta)} a(x_1,x_2,\eta) |Hessf(x_1,x_2,\eta)|^q dx_1 dx_2, \qquad (7)$$

бу ерда

$$a(x_1,x_2,\eta) = \frac{\psi(x_1,x_2,f(x_1,x_2,\eta))}{\sqrt{(1+|\nabla f(x_1,x_2,\eta)|^2)^{4q-1}}},$$

$$F(x_1,x_2,s_1,s_2,\eta) = f(x_1,x_2,\eta) + s_1 x_1 + s_2 x_2, \qquad s_1 = \frac{\xi_1}{\xi_3},\ s_2 = \frac{\xi_2}{\xi_3},$$

$Hessf(x_1,x_2,\eta) = detD^2 f(x_1,x_2,\eta)$. Бунда $\Gamma_\varepsilon \in \mathbb{R}^3$ - конус, қуйидаги кўринишда аниқланган $\Gamma_\varepsilon := \{\xi \in \mathbb{R}^3 : |\xi_3| \leq \frac{1}{\varepsilon} max\{|\xi_1|, |\xi_3|\}\}$.

Фубини теоремасига кўра (7) интеграл қуйидагича ёзилади:

$$\hat{\mu}_q(\xi) = \int_{\mathbb{R}} \hat{\mu}_q^1(\xi,x_2) e^{i\xi_3 s_2 x_2} dx_2,$$

бу ерда

$$\hat{\mu}_q^1(\xi,x_2) = \int_{\mathbb{R}} e^{i\xi_3 F_1(x_1,x_2,s_1,\eta)} a(x_1,x_2,\eta) |Hessf(x_1,x_2,\eta)|^q dx_1 \qquad (8)$$

ва $F_1(x_1,x_2,s_1,\eta) = f(x_1,x_2,\eta) + s_1 x_1$.

Бу параграфда (8) ва $\hat{\mu}_q(\xi)$ интегралнинг асимптотик характери ҳақидаги тасдиқлар исботланади.

**2- тасдиқ.** *Агарда* $f(x_1, x_2, \eta)$ *аналитик функция* $\nabla f(0{,}0{,}0) = 0, \frac{\partial^2 f(0{,}0{,}0)}{\partial x_1^2} \neq 0$ *шартларни қаноатлантирса, у ҳолда нолнинг шундай* $V_1 \times U \subset \mathbb{R}^2 \times \mathbb{R}^m$ *атрофи мавжудки,* $\hat{\mu}^1{}_q(\xi, x_2)$ *интеграл учун* $q \geq 1$ *бўлганда қуйидаги асимптотик муносабат ўринли бўлади:*

$$\hat{\mu}^1{}_q(\xi, x_2) = \sqrt{\frac{2\pi}{|\xi_3|}}\ e^{i\left(\pm\frac{\pi}{4}sgn\left(\frac{\partial^2 f(0,0,0)}{\partial x_1^2}\xi_3\right)+\xi_3 F_1(x_1(x_2,s_1,\eta),x_2,s_1)\right)} \times$$

$$\times\ |Hessf(x_1(x_2, s_1, \eta), x_2, \eta)|^q a(x_2, s_1, \eta) + O\left(\frac{1}{|\xi|}\right) \quad (\ |\xi| \to +\infty),$$

*бу ерда* $a(x_2, s_1, \eta) \coloneqq a(x_1(x_2, s_1, \eta), x_2, \eta)\phi(x_2, s_1, \eta)$ *ва* $\phi$ *– силлиқ функция. Шунингдек* $O\left(\frac{1}{|\xi|}\right)$ *муносабат* $(x_2, s_1, \eta)$ *кичик параметрларга нисбатан текис, яъни: шундай* $C > 0$ *сон ва нолнинг* $U_1$ *атрофи мавжуд бўлиб, ихтиёрий* $(x_2, s_1, \eta) \in U_1$ *лар учун* $\left|O\left(\frac{1}{|\xi|}\right)\right| \leq \frac{C||a||_{C^2}}{|\xi|}$ *тенгсизлик бажарилади.*

Учинчи параграфда қуйидаги интеграл қаралади:

$$I_q(\xi_3) = \int e^{i\xi_3 F(x_2,\eta)} a(x_2, \eta)|F''(x_2, \eta)|^q dx_2, \qquad (9)$$

бу ерда $F(x_2, \eta)$ нолнинг $W \times U (W \times U \subset \mathbb{R} \times \mathbb{R}^m)$ атрофида қуйидаги $F(x_2, \eta) \not\equiv 0, F(0{,}0) = 0$ шартларни қаноатлантирувчи ҳақиқий аналитик функция ва $a(x_2, \eta) \in C_0^\infty(W \times U)$.

Бу параграфда $F(x_2, \eta)$ фаза функция Вейерштрасснинг тайёрлов теоремаси шартларини қаноатлантирган ҳолда қаралади, яъни: $F(x_2, 0) \not\equiv 0$, бу ҳолда $F(x_2, 0)$ – функция $A_k$ типидаги махсусликга эга. Бу шарт $x_2 = 0$ нуқта $F'_{x_2}(x_2, 0)$ функциянинг $F'_{x_2}(0{,}0) = 0$ шартни қаноатлантирувчи $k$ $(k < \infty)$ каррали илдиз бўлиши билан эквивалентдир.

Бу параграфда, $q \geq \frac{1}{2}$ бўлганда (9) интегрални камайиш тартибининг оптимал эканлиги исботланган. Бу тасдиқ Д.Оберлин теоремасининг аналогидир. Қуйидаги теорема исботланган:

**2- теорема.** *Фараз қилайлик* $q \geq 1$ *тайинланган ҳақиқий сон ва* $S(\eta) \subset \mathbb{R}^3$ - $\eta \in \mathbb{R}^m$ *параметрга боғлиқ аналитик гиперсиртлар оиласи бўлсин. Агарда фаза функция, мос равишда* $S(0)$ *гиперсирт* $(0{,}0{,}0) \in S(0)$ *нуқтада* $A_k$ $(1 \leq k < \infty)$ *типдаги махсусликга эга бўлса, у ҳолда нолнинг шундай* $V \times U \subset \mathbb{R}^3 \times \mathbb{R}^m$ *атрофи мавжудки, қайсики ихтиёрий* $\psi \in C_0^\infty(V \times U)$ *функцияларда (7) интеграл учун*

$$|\hat{\mu}_q(\xi)| \leq \frac{C||\psi(\cdot, \eta)||_{C^2}}{|\xi|},$$

*баҳо ўринли бўлади, бу ерда* $C$ *– тайинланган мусбат сон.*

**3- теорема.** *Фараз қилайлик* $q \geq 1$ *тайинланган ҳақиқий сон бўлиб,* $S(\eta) \subset \mathbb{R}^3$ *аналитик гиперсиртлар оиласи қуйидаги шартларни қаноатлантирсин:*

*1)* $S(0)$ *гиперсирт* $\mathbb{R}^3$ *да координаталар бошини сақласин ва координаталар бошида* $S(0)$ *сиртнинг камида битта бош эгрилиги нолдан фарқли бўлсин.*

*2) $K(x,\eta)$ – Гаусс эгрилиги $S(\eta)$ гиперсиртда $K \not\equiv 0$ шартни қаноатлантирсин.*
*У ҳолда нолнинг шундай $V \times U \subset \mathbb{R}^3 \times \mathbb{R}^m$ атрофи мавжудки, ихтиёрий $\psi \in C_0^\infty(V \times U)$ функцияларда (7) интеграл учун*

$$|\hat{\mu}_q(\xi)| \leq \frac{C||\psi(\cdot,\eta)||_{C^2}}{|\xi|},$$

*баҳо ўринли бўлади, бу ерда $C$ – тайинланган мусбат сон.*
(9) интегрални $F(x_2,\eta)$ фазо функцияси нолнинг атрофида ҳақиқий қийматли аналитик функция бўлиб, Вейерштрасснинг тайёрлов теоремаси шартларини қаноатлантирмаган ҳолда қараймиз.

3- теореманинг исботи 3- тасдиқдан келиб чиқади ва 2- теореманинг исботи эса бевосита 3- теореманинг исботидан келиб чиқади.

**3- тасдиқ.** *Фараз қилайлик $F(x_2,\eta)$ координата бошида ҳақиқий қийматли аналитик функция бўлсин. У ҳолда координата бошининг шундай $W \times U \subset \mathbb{R} \times \mathbb{R}^m$ атрофи мавжудки, ихтиёрий $q \geq \frac{1}{2}$ сонларда*

$$\left|I_q(\xi_3)\right| \leq \frac{C||a||_V}{|\xi_3|^{\frac{1}{2}}}$$

*баҳо ўринли бўлади.*

Тўртинчи параграфда $\mathbb{R}^3$ фазодаги ихтиёрий аналитик сиртлар учун сирт ўлчови Фурье алмаштириши камайиш тартибининг оптималлигини кафолатловчи шарт $q \geq \frac{3}{2}$ кўрсатилган. Бу параграфнинг асосий натижаси қуйидаги теоремадан иборат.

**4- теорема.** *Фараз қилайлик $S \subset \mathbb{R}^3$ ихтиёрий аналитик сирт ва $\psi$ компакт ташувчили тайинланган функция бўлсин. У ҳолда $q \geq \frac{3}{2}$ бўлганда (1) интеграл учун*

$$|\hat{\mu}_q(\xi)| \leq \frac{C||\psi||_{C^2}}{|\xi|},$$

*баҳо ўринли бўлади, бу ерда $C$ – тайинланган мусбат сон.*

Шундай қилиб $q_0 \in [1,\frac{3}{2}]$ сон мавжудки $q \geq q_0$ бўлганда тебранувчан интегралнинг камайиш тартиби оптималдир.

## ХУЛОСА

Умуман олганда, олинган натижалар ушбу ишда мақсадга эришилгани ҳақида гапиришга имкон беради. Барча асосий натижалар янги ҳамда бу натижалар тебранувчан интеграллар ва гармоник анализ назариясига маълум бир ҳисса қўшади. Бу иш ўлчов Фурье алмаштиришининг баҳосини, аналитик сиртлар оиласида фаза функцияси параметрга боғлиқ бўлган сўндирувчи кўпайтувчили тебранувчи интеграллар баҳоларини ва уч ўлчовли Евклид фазосидаги ихтиёрий аналитик сиртлар учун сўндирувчи кўпайтувчили ўлчов Фурье алмаштиришининг баҳосини текширишга бағишланган.

Диссертация тадқиқотининг асосий натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келамиз:

1. Уч ўлчовли фазода аналитик сиртнинг хар бир нуқтасида камида битта бош эгрилиги нолдан фарқли бўлганда Согги – Стейн масаласининг ечими берилган.
2. Гаусс эгрилигининг даражаси учун олинган баҳонинг аниқлиги кўрсатилган.
3. Уч ўлчовли фазодаги аналитик сиртда сўндирувчи кўпайтувчили ўлчов Фурье алмаштириши билан аниқланган тебранувчи интеграллар учун текис баҳо олинган.
4. Фаза функцияси параметрга боғлиқ бўлган сўндирувчи кўпайтувчили тебранувчан интеграллар учун текис баҳо олинган.
5. Уч ўлчовли фазода баъзи аналитик сиртлар оиласи учун Согги – Стейн масаласининг ечими олинган.
6. $\mathbb{R}^3$ фазодаги ихтиёрий аналитик сиртлар учун сирт ўлчови Фурье алмаштиришининг камайиш тартибининг оптималлигини кафолатловчи кўрсаткич $q \geq 3/2$ топилган.
7. Максимал оператор чегараланганлик кўрсаткичи ва сўндирувчи кўпайтувчили сирт ўлчови Фурье алмаштиришининг оптимал камайиш тартиби ўртасидаги боғланишни кўрсатувчи мисол келтирилган.

Олинган натижалардан асимптотик анализ ва унинг тадбиқлари назариясида, шунингдек математик физика соҳасида фойдаланиш мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.07.2020.FM.02.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**МУРАНОВ ШАХРИДДИН АБДУЛЛАЕВИЧ**

# ОБ ОЦЕНКАХ ОСЦИЛЛЯТОРНЫХ ИНТЕГРАЛОВ С МНОЖИТЕЛЕМ ГАШЕНИЯ

**01.01.01 – Математический анализ**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Самарканд – 2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2020.2.PhD/FM455**

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

| | |
|---|---|
| **Научный руководитель:** | **Икромов Исроил Акрамович**<br>доктор физико-математических наук, профессор, |
| **Официальные оппоненты:** | **Халмухамедов Алимджан Рахимович**<br>доктор физико-математических наук, профессор<br>**Каршибаев Хайрулло Киличович**<br>кандидат физико-математических наук |
| **Ведущая организация:** | **Ургенчский государственный университет** |

Защита диссертации состоится «____» _____________2020 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.07.2020.FM.02.01 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (+99866) 231-06-32, факс: (+99866) 235-19-38, e-mail: patent@samdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована за №_____). (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (+99866) 231-06-32, факс: (99866) 235-19-38).

Автореферат диссертации разослан «____» _______________2020 года.
(реестр протокол рассылки №________ от «____» _______________2020 года).

**А.С. Солеев**
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор физико-математических наук, профессор

**А.М. Халхужаев**
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор физико-математических наук

**С.Н.Лакаев**
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор физико-математических наук, профессор, академик

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.**

В большинстве научных и прикладных исследованиях, проводимых во многих областях современной математики по всему миру, широко используются осцилляторные интегралы, интегральные операторы Фурье и осцилляторные интегральные операторы.

Настоящее время наиболее изучаемыми проблемами многих областей математики являются исследование важных классов осциллирующих интегралов являющейся преобразованием Фурье мер сосредоточенных на гладких поверхностях (не обязательно гиперповерхностях). Кроме того, исследование поведения преобразования Фурье мер, сосредоточенных на гиперповерхностях связанных с показателем ограниченности, максимальных операторов Стейна, ассоциированных с такими гиперповерхностями, является одиной из существенных задач современного гармонического анализа.

Сегодня, особое внимание уделяется теории особенностей и гармоническому анализу, которые являются самими быстрорастущими областями математического анализа в мировых научных исследованиях.
Эти вопросы относятся к перспективным направлениям современного гармонического анализа и широко используются в математической физике, аналитической теории чисел и математических моделях гидродинамики. В частности, оценки преобразования Фурье мер, сосредоточенных на поверхностях Фермы, позволяют получить информацию о дискретном спектре оператора Шредингера. Кроме того, как теоретически, так и практически важно изучение асимптотики на бесконечности осциллирующих интегралов с множителем гашения и изучение проблемы Согги - Стейна для аналитических гиперповерхностей трехмерного пространства, для которых в каждой точке поверхности хотя бы одна из главных кривизн отлична от нуля.

В нашей стране большое внимание уделяется направлениям, имеющим научное и прикладное значение. Ученые нашей страны особое внимание уделяют исследованиям задач гармонического анализа. Решение многих задач математической физики сводится к максимальным операторам и преобразованиям Фурье мер с множителем гашения. Проведение научных исследований на международном уровне по таким важным направлениям как функциональный анализ, математическая физика и статистическая физика выделено как основная задача фундаментальных исследований[2]. В обеспечении исполнения данного постановления важное значение имеет изучение задачи С.Д.Согги и И.М.Стейна об оптимальном убывании

---

[2] Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан №292 “Об мерах по организации деятельности вновь созданных научно-исследовательских учреждений Академии наук Республики Узбекистан” от 18 мая 2017 года.

преобразования Фурье поверхностных мер, с множителем гашения для произвольных аналитических поверхностей трехмерного евклидова пространства.

Настоящая диссертационная работа посвящена исследованию задачи, поставленной Согги - Стейном для произвольных аналитических гиперповерхностей в трехмерном пространстве. Решение этих задач позволяет оценить максимальные операторы, ассоциированные с гиперповерхностями.

В диссертации приведено решение задачи С.Д.Согги и И.М.Стейна об оптимальном убывании преобразования Фурье мер с множителем гашения для частного класса семейств аналитических поверхностей и произвольных аналитических поверхностей трехмерного евклидова пространства, получена оценка сверху для степени гауссовой кривизни гарантирующей оптимальное убывание преобразования Фурье меры.

